O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI



**АЗИЗ ВАТАНДОШЛАР!**
**ЭНГ УЛУҒ ВА ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМИМИЗ БЎЛМИШ МАМЛАКАТИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 16 ЙИЛЛИГИ МУБОРАК БЎЛСИН!**

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

• 2007-yil • 1-sentabr • Shanba • 108 (27.753) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 16 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

*Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!*

*Муҳтарам меҳмонлар!*

*Авваламбор, сиз, азизларни, сизлар орқали бутун Ўзбекистон халқини барчамиз учун ҳақиқатан ҳам энг улуғ ва энг азиз байрамимиз бўлмиш Ватанимиз Мустақиллигининг 16 йиллиги билан чин қалбимдан табриклаш ва ўзимнинг чуқур ҳурмат-эҳтиромимни билдиришдан бахтиёрман.*

*Фурсатдан фойдаланиб, мана шу гўзал ва муҳташам майдонда бугунги тантанамизда қатнашаётган хорижий давлатларнинг элчихоналари вакиллари, узоқ-яқиндан келган қадрли меҳмонларимизни, бу байрамни биз билан бирга нишонлаётган барча дўст ва биродарларимизни бутун халқимиз номидан қутлаб, самимий миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсиз.*

*Азиз дўстлар!*

*Ўн олти йил тарих мезонлари билан ўлчаганда ғоят қисқа бир муддат эканини барчамиз яхши англаймиз. Бироқ биз учун том маънода янгиланиш ва юксалиш босқичи бўлган бу даврни ойлар ва йиллар билан эмас, балки амалга оширган ислоҳотларимиз самараси, бунёдкорлик ишларимиз салмоғи, қўлга киритган юксак марралар билан ўлчайдиган бўлсак, ҳеч шубҳасиз, бу йилларнинг ҳар бири чиндан ҳам ўн, керак бўлса, юз йилларга тенг бўлиши муқаррар.*

*Мана шу шиддатли ва кескин даврда биз босиб ўтган йўл, унинг улкан самаралари, синов ва машаққатлари ҳақида кўп гапириш мумкин. Лекин бир фикрни тўла ишонч билан айтиш лозимки, шу йиллар давомида юртимизда демократик давлат қуриш, халқимиз фаровонлигини юксалтириш, халқаро майдонда муносиб обрў-эътибор топиш учун амалга оширган ишларимиз, бир сўз билан айтганда, Ватанимизни озод ва обод қилиш йўлида эришган марраларимизни ҳеч ким инкор эта олмайди.*

*Бугун мана шундай шукуҳли дамларда бу ютуқларнинг ижодкори бўлган заҳматкаш деҳқон ва фермерлар, ишчи ва хизматчиларимиз, ишбилармон ва тадбиркорлар, жасур ҳарбийларимиз, олиму зиёлилар, маданият ва санъат аҳли, фидойи муаллим ва ўқитувчилар, жонкуяр шифокорларнинг беқиёс хизматларини эътироф этиб, барчангиз олдида, бутун халқимиз олдида бош эгиб таъзим қиламан.*

*Ҳурматли юртдошлар!*

*Шак-шубҳасиз, мустақиллик йилларида қўлга киритган салмоқли ютуқлар барчамизники ва уларни ҳеч ким биздан тортиб ололмайди.*

*Айни пайтда бугун олдимизда турган муҳим ва долзарб вазифалар ўтган давр мобайнида барпо этилган салоҳиятдан оқилона фойдаланиб, бор куч-қудратимиз, имконият ва ҳаракатларимизни эртанги истиқболимиз, эзгу орзу-ниятларимизни амалга ошириш учун сафарбар этишни талаб қилади.*

*Бу ҳақда гапирганда авваламбор қуйидагиларга эътибор бериш керак, деб ўйлайман.*

*__Биринчидан,__ эришган ютуқ ва натижаларимизга танқидий баҳо бериб, уларга маҳлиё бўлмасдан, ўз олдимизга юксак марралар, узоқ ва давомли эзгу мақсадларни қўйиб яшашимиз, биринчи навбатда халқимизнинг турмуш даражаси ва фаровонлигини ошириш доимо эътиборимиз марказида туриши зарур. Бунинг учун иқтисодиётимизнинг тез ва барқарор суръатлар билан ўсишини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, яқин уч йил мобайнида ишчи-хизматчиларнинг маошларини, пенсия, нафақа ва стипендиялар миқдорини 2-2,5 баробар кўтариш бизнинг устувор вазифамиз бўлиб қолиши шарт.*

*__Иккинчидан,__ сиёсий ва иқтисодий ҳаётимизни янада либераллаштириш, сиёсий партиялар, ижтимоий ва фуқаролик тузилмалари ҳамда нодавлат ташкилотларнинг қонуний ваколатларини кенгайтириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини амалда таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш бўйича кейинги йилларда қабул қилинган ҳуқуқий нормаларни ҳаётга татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратишимиз керак.*

*__Учинчидан,__ ҳозирги мураккаб ва таҳликали замоннинг ўзи инсоният ҳаётига таҳдид солаётган турли бало-қазолар мавжуд эканини ҳеч қачон унутмасликни, юртимизда тинчлик ва осойишталик, барқарорликни мустаҳкамлаш, сезгирлик, ҳушёрлик ва огоҳликни йўқотмасдан, ҳар қандай хавф-хатарга қарши муносиб жавоб бера оладиган куч-қудратимизни ошириш, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш йўлида доимо ҳаракатда бўлишимизни талаб қилади.*

*__Тўртинчидан,__ эзгу мақсад ва режаларимизни рўёбга чиқаришда бизнинг ишончимиз ва таянчимиз бўлмиш ёшларимизга янада кенг йўл очиб бериш, фарзандларимизни замонавий билим ва тажрибага, ўз мустақил фикрига эга бўлган, маънавий юксак комил инсонлар этиб тарбиялаш, уларнинг жамиятимизда мустаҳкам ва муносиб жой олиши йўлида зарур шарт-шароитларни яратиб бериш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз, деб биламан.*

*__Бешинчидан,__ юртимизда турли миллат ва диний конфессиялар вакиллари ўртасида тотувликни, фуқаролараро аҳилликни кўз қорачиғидай асраш, яқин ва узоқ қўшниларимиз билан ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликда яшаш, жамиятимизда меҳр-оқибат, саховат ва бағрикенглик муҳитини янада кучайтириш ҳар биримизнинг муҳим вазифамиз бўлиб қолиши даркор.*

*Бугунги кунда эл-юртимизнинг ана шундай азалий фазилатлари, ёрдам ва кўмакка муҳтож бўлганларни қўллаб-қувватлаш мақсадида амалга ошираётган олижаноб ва савобли ишларимиз «Ижтимоий ҳимоя йили» бўйича қабул қилинган давлат дастурида ўзининг яққол амалий ифодасини топаётгани барчамизни қувонтиради.*

*Азиз ватандошларим, қадрдонларим!*

*Бугун мана шу юксак минбардан туриб, кўнглимдаги яна бир гапни алоҳида таъкидлаб айтишни зарур, деб биламан.*

*Бугун 16 йил давомида босиб ўтган йўлимизни ва эришган марраларимизни баҳолар эканмиз, Ватанимиз, юртимизни улуғлаш, юксак муддаоларимизга етиш, ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳаёт барпо этиш мақсадида амалга оширган катта-катта ишларимиздан, тер тўкиб қилган меҳнатимиздан ҳар қанча фахрланиб, ана шу ютуқларга мен ҳам муносиб ҳисса қўшдим, деб бошимизни баланд кўтариб, ғурур ва ифтихор билан яшашга тўла ҳаққимиз бор, десам, ўйлайманки, бу фикримга барчангиз қўшиласиз.*

*Мана шу мунаввар оқшомда сизларни Ватанимизнинг Истиқлол байрами билан яна бир бор табриклар эканман, ҳаммангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, хонадонларингизга файзу барака тилайман.*

*Ватанимизни, халқимизни, барчамизни Яратганнинг ўзи ёмон кўзлардан, ёмон ниятлардан асрасин!*

*Эл-юртимиз омон, осмонимиз мусаффо, мустақиллигимиз абадий бўлсин!*

## МУСТАҚИЛЛИКНИНГ БЕБАҲО НЕЪМАТЛАРИ





**Ўз донимиз ва беминнат нонимизга эга бўлдик.**

# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги эълон қилинганининг ўн олти йиллиги муносабати билан самимий қутловларни қабул қилгайсиз.

Шуниси қувонарлики, бугунги кунда Россия — Ўзбекистон муносабатлари стратегик шериклик ва иттифоқчилик тамойиллари асосида, тенг ҳуқуқлилик, ўзаро ҳурмат ва бир-бирининг манфаатларини эътиборга олиш асосида ривожланиб бормоқда.

Икки томонлама сиёсий мулоқотнинг ишончли ва конструктив руҳда эканлигини юксак қадрлаймиз. Бу мамлакатларимизнинг амалий ва гуманитар соҳалардаги ҳамкорлигига оид энг муҳим масалаларни самарали ҳал қилиш, халқаро муаммолар бўйича баҳамжиҳат позицияни ишлаб чиқиш, Марказий Осиё минтақаси хавфсизлиги ва барқарорлигига нисбатан хавф-хатарларга қарши биргаликда ҳаракат қилиш имконини беради.

Ишончим комилки, Россия билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳар томонлама самарали алоқалар иқтисодий ҳамкорлик, маданият, фан ва таълим соҳаларида биргаликда қўлга киритиладиган ютуқларимиз билан мустаҳкамланиб бораверади.

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, Сизга мустаҳкам соғлиқ ва давлат ишларингизда муваффақиятлар, дўст Ўзбекистон халқига эса тинчлик, омонлик ва равнақ тилайман.

Эҳтиром ила,

**Владимир ПУТИН,**
**Россия Федерацияси Президенти**

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги эълон қилинган куннинг 16 йиллиги муносабати билан Сизга ва Сиз орқали Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва халқига Хитой ҳукумати ва халқи номидан ҳамда шахсан ўз номимдан қизғин қутловлар ва энг эзгу тилаклар йўллайман.

Мамлакатингизда мустақиллик йиллари мобайнида Сиз, Жаноби Олийларининг раҳбарлигида сиёсий вазият мустаҳкамланиб, иқтисодиёт муттасил ривожланиб бормоқда ва халқнинг турмуш даражаси узлуксиз юксалмоқда. Хитой томони бунга астойдил қувонади ҳамда Сизнинг мамлакатингизга янги-янги ва янада улкан муваффақиятлар тилайди.

Дипломатия муносабатлари ўрнатилганидан буён ўтган 15 йил мобайнида икки томоннинг саъй-ҳаракатлари туфайли Хитой билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар муваффақиятли ривожланиб бормоқда. Сиёсий ўзаро ишонч изчиллик билан мустаҳкамланмоқда. Иқтисодиёт, савдо, энергетика, транспорт, хавфсизлик, маданият ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликда улкан муваффақиятларга эришилдики, булар мамлакатларимиз халқлари манфаатларига жуда мосдир. Яқинда Бишкек шаҳрида бўлиб ўтган ШҲТ саммити давомида Хитой билан Ўзбекистон ўртасида турли соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кучайтириш масаласи ҳамда муштарак манфаатларга молик бошқа масалалар бўйича чуқур фикрлашиб олдик ва кенг кўламда ҳамжиҳатликка эришдик. Мен Сиз билан биргаликда мамлакатларимизнинг икки томонлама, шунингдек, кўп томонлама доирадаги ҳамкорлигини изчил мустаҳкамлаш ҳамда Хитой билан Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик ва шериклик муносабатларини бундан буён ҳам оғишмай ривожлантириб бориш йўлида куч-ғайрат сарфлашга тайёрман.

Мамлакатингизга равнақ, халқингизга бахт-саодат тилайман.

Сизга мустаҳкам соғлиқ ва омонлик тилайман.

**Ху ЦЗИНЬТАО,**
**Хитой Халқ Республикаси Раиси**

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари,

Мустақиллик куни муносабати билан Сизга, Ўзбекистон ҳукумати ва халқига қизғин қутловларимни йўллаш менга ғоят катта мамнуният бахш этади.

Ўзаро узвийлик касб этиб бораётган ҳозирги дунёда ишончли ва мос тарзда ҳаракат қиладиган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳар қачонгидан кўра муҳим ва зарур ташкилот ҳисобланади. Умумжаҳон характерига эга муаммолар кўпайиб бормоқдаки, улар халқаро даражада рад қилиб бўлмайдиган ва мувофиқлаштирилган тарздаги жавобни талаб этмоқда. Бунинг маъноси шуки, бизга БМТнинг кенг миқёсли тизими билан ҳам, унга аъзо давлатлар билан ҳам мавжуд талаб-эҳтиёжлар ва янги зиддиятларни ҳал қилиш учун самарали иш олиб борадиган БМТ Котибияти зарур.

Мазкур лавозимни эгаллаб турган даврда мен учун ушбу тасаввурни воқеликка айлантириш ҳамда Ташкилотнинг яхлитлиги, холислиги ва мана шу вазифани бажара олиши масалаларида Сизнинг ишончингизни сақлаб қолишдан кўра юксакроқ мақсад йўқ. Ҳамкасбларим билан мен ушбу миссияни бажараётган бир вақтда шуни ҳис этиш қувонарлики, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ўзбекистон раҳбариятига, ҳукумати ва халқининг содиқлиги ҳамда қўллаб-қувватлашига умид боғлай олади.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган ғоят юксак эҳтиромимни лутфан қабул қилгайсиз.

**Пан Ги МУН,**
**Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби**

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент Жаноблари,

1 сентябрь — Ўзбекистон Мустақиллиги куни байрами нишонланиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг барча фуқароларига Америка халқи номидан йўллаётган табрикларимизни қабул қилгайсиз.

Ўтган ўн олти йил давомида бизнинг мамлакатларимиз эски ва янги зиддиятларни бартараф этиш борасида ҳамкорлик қилиб келмоқдалар. Айни пайтда биз интилаётган шериклик кўп соҳаларни, жумладан, терроризмга қарши кураш, демократик ва бозор ислоҳотларини амалга ошириш ҳамда минтақавий иқтисодий интеграция соҳаларини ўз ичига олган бўлиб, ҳамкорлигимизни мустаҳкамлашга қаратилгандир.

Америка Қўшма Штатлари кенг қамровли масалалар бўйича ҳамкорликка ҳамда Ўзбекистоннинг тўла суверенитети ва мустақиллигини изчил қўллаб-қувватлашга содиқ қолишини тасдиқлайди.

Эҳтиром ила,

**Жорж БУШ,**
**Америка Қўшма Штатлари Президенти**

# АЖДОДЛАР ХОТИРАСИ – МУҚАДДАС

**Эл-юртимиз озодлиги йўлида жон фидо қилган боболаримизни Мустақиллик байрами олдидан яна бир бор эслаш, уларнинг муборак руҳларини шод этиш барчамизнинг инсоний, фарзандлик бурчимиздир. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда 31 август Қатағон қурбонларини ёд этиш куни сифатида кенг нишонланишида ҳам ана шундай эзгу мақсадлар мужассам.**

...31 август. Тонг. Қатағон қурбонлари хотирасига бағишлаб бунёд этилган рамзий қабр устидаги айвон гумбази узра қуёш нурлари жилваланади. Не-не қора кунлар, хунрезликлару машъум қатллар гувоҳи бўлган Бўзсув туб-тубидаги пўртаналарни бекитмоқчидек сокин оқади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Қатағон қурбонларини ёд этиш куни муносабати билан пойтахтимиздаги «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуида ўтган хотирлаш маросимида иштирок этди.

Мустабид тузум даврида зулм ва тажовуз қурбони бўлган минглаб ватандошларимиз хотирасига эҳтиром сифатида бунёд этилган ушбу ёдгорлик юртдошларимизнинг эртанги кунга бўлган ишончини янада мустаҳкамлайди. Аждодлар хотирасига ҳурмат бажо этиш ҳар бир инсон учун фарз. Бундай жойларни зиёрат қилиш киши руҳини поклайди. Қолаверса, одам ўз ҳаёт йўли ҳақида ўйга толади.

«Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуида бунёд этилган «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи, Президентимиз таъкидлаганидек, кишиларни, айниқса, ёшларни тарихдан сабоқ чиқариб, бугунги доримон кунларнинг қадрига етиб яшашга ундовчи севимли масканлардан бирига айланган. Музейдаги экспонатлар мунтазам равишда янгиланиб, унинг хазинаси ўша давр руҳини акс эттирадиган буюм, жиҳоз ва маълумотлар билан бойитиб борилмоқда.

Музей экспонатларини кўздан кечирган давлатимиз раҳбари музей фаолиятини ҳам шаклан, ҳам мазмунан кенгайтириш, янада такомиллаштириш юзасидан зарур тавсиялар берди.

Юртимизда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Инсоннинг эзгу амаллари, ишлари, бунёдкорликлари унутилмайди. Беҳбудий, Мунаввар қори, Фитрат, Чўлпон, Қодирий, Боту, Элбек, Усмон Носир сингари кўплаб маърифатпарварларнинг курашларга йўғрилган ҳаёти бунга ёрқин мисолдир.

Ўтганлар ёди — муқаддас. Мана шундай нурафшон кунларни орзу қилган, шу йўлда ўз умрини ҳам аямаган қатағон қурбонларининг хотирасини ёд этиш билан қалбимиз нурга тўлади, руҳимиз тетиклашади. Эзгулик аталмиш қудратли кучнинг абадийлигига, адолат тантанасига яна бир бор амин бўламиз.

Шу куни Президентимиз Ислом Каримов Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, ҳуррийатимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган «Мустақиллик ва эзгулик» монументи пойига гул қўйди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, идоралар ва жамоатчилик номидан ёдгорлик пойига гулчамбарлар қўйилди.

**Воҳид ЛУҚМОНОВ,**
**ЎзА мухбири**

☑ Партиямиз хайрихоҳлари

# ОҚИЛ ОДАМЛАР БОР ЖОЙ ОБОД БЎЛАДИ

***Тарихи узоқ минг йилликларга тенгдош маҳалла тизими мамлакатимиз мустақиллиги йилларида янгича даврга қадам қўйди. Бугун юртимизнинг қай бир маҳалласида бўлманг, ўзгача бир яратувчилик кайфияти, байрамона шукуҳнинг гувоҳи бўласиз. Самарқанд шаҳридаги Мир Саид Барака номли маҳаллада олиб борилаётган ибратли ишлар бунинг ёрқин мисолидир.***

Маҳаллада 600 дан ортиқроқ оила, 16 миллат вакиллари аҳил ва иноқ ҳаёт кечиришмоқда. Унга кўп йиллар давлат идораларида ҳалол ишлаб, обрў-эътибор қозонган меҳнат фахрийси, ЎзХДП хайрихоҳи Суннат Кубаев раислик қилиб келаяпти.

Мамлакатимиз мустақиллигининг ўтган даври мобайнида маҳалла ҳудудида юксак меъморий услубда бунёд этилган Хотира майдони, халқаро талабларга жавоб берадиган теннис корти, 2 та академик лицей, бир нечта меҳмонхона қад ростлаб, шаҳар кўркига кўрк қўшди. Қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик юбилейи нишонланган кунлари ҳамда жонажон диёримиз мустақиллигининг 16 йиллиги арафасида маҳалла ҳудудида 850 ўринли муҳташам санъат саройи, замонавий Бахт уйи мажмуаси ва Санъат йўналишидаги касб-ҳунар коллежларининг қуриб фойдаланишга топширилиши нафақат маҳалла аҳли, балки, бутун самарқандликлар учун байрам туҳфаси бўлди. Бу ерда ҳудудни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, гулу гулзорга айлантириш, кам таъминланган оилаларга ғамхўрлик кўрсатишда ҳам катта ишлар амалга оширилаяпти.

— Жонажон диёримиздек обод, кўркам, тупроғи зар, одамлари меҳр-оқибатли гўшани ҳеч жойда кўрмадим, — дейди маҳалла оқсоқоли Суннат Кубаев. — Мамлакатимизнинг ҳар бир шаҳар, қўрғон, қишлоғини бундан ўн беш йил илгариги аҳволи билан таққослаб кўринг. Ҳатто, узоқ қишлоқларимизда ҳам замонавий, барча қулайликларга эга касб-ҳунар коллежлари, мактаблар бунёд этиляпти. Ўсиб келаётган авлод замонанинг илғор технологиялари асосида билим олаяпти, касб-ҳунар ўрганаяпти. Маҳалламиз ҳудудида бунёд этилган мустақиллик иншоотлари кўзни қувонтиради. Муҳтарам Юртбошимиз бошчилигида бутун мамлакатимиз, айниқса, ўзининг муборак тўйини нишонлаган қадим Самарқандни ҳақиқий туризм ўлкасига айлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар асрларга татигулик тарихий воқеалар, десам муболаға бўлмайди. Улуғ байрамлар арафасида фойдаланишга топширилган иншоотларни таърифлашга сўз ожиз. Савдо, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, Санъат саройининг ишга тушгани халқимизнинг нафақат иқтисодий, сиёсий соҳада, балки маданий тараққиётда ҳам ўзини намоён этаётганини кўрсатади...

«Ижтимоий ҳимоя йили» муносабати билан маҳалла фуқаролар йиғини қатор хайрли ишларни ҳам амалга ошираяпти. Ҳудудда истиқомат қилаётган кам таъминланган, кўп болали оилаларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида уларнинг коммунал тўловлари учун ҳомийлар томонидан 10 млн. сўм ажратилди. Шунингдек, якка-ёлғиз қариялар, кўп болали оилаларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида 2 млн. сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Бундан ташқари, шу маҳалла фарзанди бўлган бир магистрант ва бир талабанинг тўлов-контракт пули маҳалла фуқаролар йиғини ҳисобидан ўтказиб берилди.

— 4 нафар фарзандимиз билан оиламиз бироз қийналиб қолганди, — дейди Озода Барноева. — Маҳалламиз кўмаги билан моддий ёрдам олдик. Бу қийин кунларимизда жуда катта ёрдам бўлди. Илоё, юртимиз тинч, мустақиллигимиз умрбоқий бўлсин.

— Мен СамДУнинг физика факультетига ўқишга шартнома асосида кирганимда ўқишдан умидимни узгандим, — дейди Мурод Чинмирзаев. — Чунки, оилавий шароитимиз шартнома пулини тўлашга тўғри келмас эди. Бундан хабар топган оқсоқол — Суннат ака ота-онам билан мени маҳалла идорасига чақирди. Ўзаро маслаҳат жараёнида оқсоқол шартнома тўловларини институтни тугатгунимга қадар тўлаб туришга ёрдамлашишини айтганида қанчалик қувонганимни ҳозир таърифлаб бера олмайман. Яна бир йилдан сўнг ўқув юртини тугатаман. Насиб этса, мен ҳам оқсоқолимиз тутган йўлдан бориб, мустақил мамлакатимиз, шу заминда яшайдиган меҳри дарё одамлар учун чин юракдан яхшилик қиламан.

Ҳа, улуғ бобомиз Мир Саид Барака номидаги маҳалла аҳли ҳар бир юмушга, жамоат ишига ҳурмат-эътибор, фаоллик билан қарайди. Шу боис озода ва чиройли бу масканда меҳр-оқибат, самимийлик одамларга қувонч, бахт келтирмоқда.

**Шуҳрат ҚАРШИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

☑ Иқтисодиёт ва ислоҳот






## «АНДИЖОНКАБЕЛЬ»:

# ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИ ЎСМОҚДА

### 2001 ЙИЛДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН РОССИЯ — ЎЗБЕКИСТОН ҚЎШМА КОРХОНАСИ НАФАҚАТ РЕСПУБЛИКАМИЗ, БАЛКИ МДҲ ДАВЛАТЛАРИ ДОИРАСИДА ҲАМ ЎЗ МАВҚЕИГА ЭГА

Бугунги кунда корхонада 1000га яқин марка ҳажмдаги кабель-ўтказгич симлари ишлаб чиқарилмоқда. Телефон алоқа ва радиофикация кабеллари, сигнализация ва блокировка симлари, назорат кабеллари, юқори кучланишли кабеллар ва бошқа маҳсулот турлари шулар жумласидандир. Тоғ-кон саноати, қурилиш ва бошқа саноат тармоқлари ривожланганлигини ҳисобга олиб, корхонада рангли металл ва пўлат сим турларини ишлаб чиқариш яхши йўлга қўйилган. Ҳозирги кунда корхонага Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси Ёрқинбек Одилов раҳбарлик қилиб келмоқда.

2001 йилда «Андижонкабель»га хорижий инвестор — Россия Федерациясининг «Фариаль» йирик компаниясининг кириб келиши корхона фаолиятида ижобий ўзгаришларга олиб келди. Буни корхонанинг иқтисодий-молиявий жиҳатдан юқори кўрсаткичларга эришаётганлигида кўриш мумкин. Чунончи, қўшма корхона ташкил этилган даврдан бошлаб то ҳозирги пайтгача маҳсулот ишлаб чиқариш суръати доимий равишда ўсмоқда. Масалан, 2001 йилда корхонада 443,5 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, 2002 йилнинг ўзида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 3,7 млрд. сўмликни, 2006 йилда эса 43,86 млрд. сўмни ташкил этди. Бундан ташқари, корхона экспорт салоҳиятининг кескин даражада ўсиши кузатилмоқда. Агар 2002 йилгача корхона томонидан маҳсулот экспорти деярли амалга оширилмаган бўлса, 2002 йилда маҳсулот экспорти 2,1 млн. АҚШ долларини, 2006 йилда эса 26 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Кўриниб турибдики, охирги тўрт йил давомида маҳсулот экспорти 12 бараваргга ортган. Эндиликда корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг 75-80 фоизи экспортга жўнатилмоқда. Бундай юқори кўрсаткичга эришишнинг асосий сабаби «Фариаль» компаниясининг Россия Федерацияси истеъмол бозорларида ўз салоҳиятига эга бўлишидир.

Таъкидлаш жоизки, корхонага чет эл инвесторининг келиши бу ерда қўшимча ишлаб чиқариш қувватларининг ишга туширилиши билан бир қаторда, қўшимча ишчи ўринлари яратилишига ҳам имкон яратди. Ҳозирги пайтда корхонада 1390 га яқин ишчи ва хизматчи меҳнат қилмоқда. Ваҳоланки, 2001 йилда бу ерда 612 киши ишларди.

Чет эл инвестори корхонага кириб келишининг яна бир муҳим жиҳати шундаки, мавжуд бўлган асбоб-ускуналар, технологик линиялар янгиланди. Жаҳондаги илғор компаниялар «NEXTROM» (Финляндия), «SIKORA» (Германия) томонидан ишлаб чиқарилган дастгоҳлар, технологик линиялар ўрнатилди.

«Фариаль» компанияси «Андижонкабель» корхонасига замонавий технологиялар, қўшимча капитал маблағлар билан бир қаторда янги бошқарув тизимини ҳам олиб кирди. Ушбу бошқарув тизими қуйидаги йўналишларда ўз аксини топди:

Корхонада ишлаб чиқаришни бошқариш тўғри йўлга қўйилди, яъни маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида унинг сифати устидан кучли назорат таъминланди. Маълумки, ишлаб чиқаришни бошқаришда малакали мутахассисларнинг мавжудлиги катта аҳамиятга эга. Шу боис корхонада мутахассислар малакасини ошириш бўйича қатор тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, бир гуруҳ мутахассислар чет элларда (Россия, Финляндия) ўз малакасини ошириб келишди. Турли хил ўқув семинарлари ташкил этилди. Натижада ишлаб чиқариш самарадорлиги ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш борасида ижобий кўрсаткичларга эришилди. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, қўшма корхона ташкил этилган дастлабки вақтларда россиялик мутахассислар жалб этилганди. Маҳаллий мутахассисларни тайёрлашда улар томонидан катта ёрдам кўрсатилди.

Иккинчи йўналиш — корхонада маркетинг бошқаруви ташкил этилишидир. Бозор иқтисодиёти тамойиллари амал қилаётган шароитда корхона томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш истеъмолчининг талаб-истакларини инобатга олган ҳолда амалга оширилмоқда. Ҳозирга келиб корхонада юқори малакали мутахассислардан иборат маркетинг бўлими фаолият олиб бормоқда. Бўлим мутахассислари маҳсулот бозори ҳолатини доимий равишда таҳлил қилиб боришаяпти.

Ташқи иқтисодий фаолият бошқарувининг тўғри йўлга қўйилиши корхонанинг экспорт салоҳияти кескин даражада ўсишига сабаб бўлди. Ҳозир корхона Россия Федерациясида ўз ваколатхонасига эга. Қозоғистон Республикасида эса Савдо уйи фаолият кўрсатаяпти..

Корхона бошқарув тизимида инвесторлар томонидан юқори ахборот технологияларидан фойдаланишга катта эътибор берилиши бошқарув тизимининг самарали кечишига олиб келаяпти. Ишлаб чиқариш ва бошқарув тизимларининг ҳар бир бўлими деярли юз фоизга компьютерлаштирилган. Интернет орқали, масофадан туриб бошқарув тизими ташкил этилган. ISO 9001:2000 халқаро сертификатининг қўлга киритилиши эса корхона томонидан замонавий бошқарув тизими тўғри йўлга қўйилганлигидан далолат бераётир.

Шуни айтиш жоизки, маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган полиэтилен хомашёси фақат импорт қилинган бўлса, эндиликда Шўртан газ-кимё мажмуаси томонидан ишлаб чиқарилаётган полиэтилен хомашёсидан унумли фойдаланилмоқда. Бу эса корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сарф-харажатларини маълум даражада пасайтиришга ва корхона валюта захирасини тежашга олиб келди. Бундан ташқари импорт ўрнини босувчи янги маҳсулот турларини ишлаб чиқариш бўйича қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Масалан, охирги йилларда юртимизда автомобиль ишлаб чиқариш саноатининг ривожланиши кузатилмоқда. Шуни ҳисобга олган ҳолда корхонада автомобиль саноатининг эҳтиёжини қондириш мақсадида автомобиль ўтказгич симларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Келажакда «Фариаль» компанияси ташаббуси билан корхонада бошқа янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича ҳам истиқболли инвестицион лойиҳалаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

Корхонада маҳаллий йигит-қизлардан ёш малакали мутахассислар тайёрлашга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда Хонобод шаҳар компьютер технологиялари коллежи оталиққа олинган. Коллеж талабаларига билим бериш савиясини ошириш мақсадида турли олий ўқув юртларидан (Тошкент давлат техника университети, Андижон давлат университети ва ҳк.) юқори малакали мутахассислар жалб этилган. Талабаларга етакчи ўқув марказлари ва халқаро тоифадаги экспертлар (Германия) томонидан ишлаб чиқилган махсус ўқув дастурлари асосида билим берилмоқда.

Президентимиз томонидан 2007 йил «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилиниши муносабати билан «Андижонкабель» ёлғиз нафақахўрларни қўллаб-қувватлаш, шаҳар кўчаларини ёритиш, ногиронлар жамиятига, кам таъминланган аҳоли қатламига қорамол сотиб олиш учун, «Андижанка» футбол-хоккей клубига, шаҳардаги болалар боғчаларини таъмирлаш учун жами 57 млн. сўмдан зиёд маблағни ажратди. Келажакда ҳам корхона томонидан шундай хайрли тадбирлар олиб бориш кўзда тутилган.

Бугунги кунда «Андижонкабель» Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси жамоаси олинган даромаднинг асосий қисмини ва барча инвестицияларни ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш, уни модернизация қилишга сарфламоқда. Яқин келажакда корхона қуввати янада ошиб, мустақил диёримизнинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлашга кўпроқ ҳисса қўшиши шубҳасиз.

**Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,**
**Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбирлари**

t

XORIJDA

## УЙ ҚУЛАБ ТУШДИ



*Боку марказида қурилиши тугалланмаган уй қулаб тушган. «Новости-Азербайджан» ахборот агентлигининг хабарига кўра, қутқарувчилар харобалар остидан 11 кишининг жасадини топишган. Маълумотларга қараганда, харобалар остида камида яна саккиз киши қолмоқда. Ҳалокат рўй берган чоғда камида ўттиз саккиз киши бўлган. Пардозлаш ишлари олиб борилаётган 15 қаватли бинода асосий қурувчилардан ташқари хонадон эгалари ёллаган усталар ҳам бўлган. Озарбойжон маъмурлари бино қурилиши чоғида хавфсизлик меъёрларининг бузилиши ҳалокатга сабаб бўлган деб ҳисоблаётир. Республика прокуратураси ушбу ҳолат бўйича жиноий иш очган. Бинони бунёд этаётган «Мутафаккир» компаниясининг вакиллари, шу жумладан унинг директори Али Мурадов ҳибсга олинган. Маълум бўлишича, ушбу компания 2002 йилда ўзбошимчалик билан қурилишни бошлаган экан. Боз устига қурилиш технологияларига мутлақо риоя этмаган. Меҳнат хавфсизлиги қоидалари эса қўпол тарзда бузилган.*

## РАЙСНИ ОРТДА ҚОЛДИРИБ...



*«Forbes» журнали томонидан ўтказилган жаҳоннинг юзта энг обрўли аёли рейтингида бу йил ҳам биринчи ўринни Германия канцлери Ангела Меркель эгаллаган. Хитой бош вазири ўринбосари У И эса АҚШ давлат котиби Кондализа Райсни ортда қолдириб, иккинчи ўринга кўтарилган. Райс бу гал ҳаттоки учинчи ўринни ҳам эгаллай олмаган. Ўтган йилги рейтинг бўйича биринчи ўнликка ҳам киролмаган Сингапур давлат инвестиция дастурлари раҳбари Хо Чин учинчи ўринга муносиб деб топилган.*

*Шуни айтиш керакки, жаҳоннинг обрўли аёллари рейтинги «Forbes» журнали томонидан тўрт йилдан буён ўтказиб келинмоқда. Дастлабки икки рўйхатга Кондализа Райс етакчилик қилганди. Лекин 2006 йилда у ўз ўрнини Меркелга бўшатиб, иккинчи ўринга тушишига тўғри келганди. Дастлабки рейтингда учинчи ўринни эгаллаган Хитой бош вазири ўринбосари У И 2005 йилда иккинчи ўринга кўтарилишга муваффақ бўлганди.*

*Журналнинг қайд этишича, рўйхатдан ўрин олган аёлларнинг учдан икки қисми бизнес оламида юқори лавозимларни эгаллаб келмоқда, қолган учдан бири эса ҳукумат таркибидаги фаолиятлари билан машҳур.*

## ЎТ БАЛОСИДАН АСРАСИН...



*Бир ҳафта муқаддам Грецияни қамраб олган ёнғинлар чекинмоқда, маҳаллий аҳоли эса кўрилган талафотларни ҳисоб-китоб қилишга киришган. Ўт ўчирувчиларнинг айтишича, вазият назорат остига олинган, ярим оролнинг жанубий минтақаларидаги хатарли ёнғин ўчоқлари ўчирилган. Ёнғинларда 64 киши ҳалок бўлган. Греция аҳолиси ҳукуматнинг сусткашлигидан норози бўлаяпти. Гап шундаки, ўт ўчириш хизматлари мамлакат раҳбариятига молиявий ёрдам сўраб кўп маротаба мурожаат қилганди. Бошга бирдан кулфат ёғилганда ҳукумат жабрланганларга ёрдам кўрсатишда ночор аҳволда қолди. Шу боис Афинанинг марказий майдонида қора либосдаги бир неча минг кишининг ҳалокатли ўрмон ёнғинларига қарши норозилик белгиси сифатида оммавий юриши бўлиб ўтди. Грек ёшлари ташкил этган намойиш «Улар Грециянинг ёнишига йўл қўйиб бердилар!» шиори остида ўтган.*

*Айни чоғда мамлакат жанубида аҳолини кўчириш давом этаяпти. Лекин кўпчилик ўз уйини ташлаб кетишдан воз кечмоқда. Ҳозирга келиб ёнғин ўчоқлари сонини уч марта камайтиришга муваффақ бўлинган. Пелопоннесс ярим оролида ва Эвбей оролида ёнғинлар ҳамон давом этаяпти.*

*Мамлакатдаги ёнғинлар бир неча минг гектар ўрмонни йўқ қилган. Айниқса, Пелопоннесс ярим ороли жанубида оғир вазият сақланиб қолаётир. Ёнғин ҳаттоки Афинанинг ўзига ҳам таҳдид солаяпти. Ўрмон ёнғинларининг келиб чиқишига қасддан ўт қўйишлар сабаб бўлган. Греция маъмурлари бир неча кишини ҳибсга олган.*

## ТАРИХДАГИ СЕРЁМҒИР ЁЗ



*Жорий йил ёзи Буюк Британия учун серёмғир келди. Мамлакат метерология хизмати тайёрлаган маълумотга қараганда, 28 август куни Британия оролларида 358,5 миллиметр ёғин ёққан. Бу рекорд кўрсаткичдир. Зеро, бу 1956 йил ёзидаги ёғингарчиликдан ўндан бир миллиметрга кўпроқ экан. Олимларнинг фикрича, ёзнинг бунчалик серёғин келишига Атлантикадан нам ҳаво оқимининг шарқ томон жануброқдан ўтганлиги сабаб бўлган. Эслатиб ўтамиз, жорий йилнинг июль ойи охирида Буюк Британиянинг айрим жойларида меъёрдан ташқари ёмғир ёғиши натижасида кўплаб сув тошқинлари рўй берди.*

ALSYS®

**Ҳурматли Ватандошлар ва юртимиз меҳмонлари, ХКМЧЖ «Aluminium Sistems» (Ўзбекистон Республикасидаги йирик алюминий профил ишлаб чиқарувчи компания) Сизларни юртимиз мустақиллигининг 16 йиллиги билан муборакбод этади.**

**Барча ватандошларимизга оилавий хотиржамлик, ишларида омад тилаб қолади.**

**Уважаемые соотечественники и гости Республики Узбекистон Компания ИП ООО «Aluminium Sistems» (являются одним из крупнейших производителей алюминивый Республики Узбекистан), от всей души имеет честь поздравить вас с 16-ти летием независимости Республики Узбекистан. Хотим пожелать счастья и здоровья каждому человеку. Процветания и благополучия каждому предприятию. С Уваженим коллектив ИП ООО «Aluminium Sistems».**





